



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI

## YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING

### QARORI

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy.  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил "26" февраль

№ 358

Yangibozor tumani

**Yangibozor tumani "Yangi-ёп" маҳалласи, Гафур-Гулом кўчаси 8-уйда яшовчи фуқаро Садиков Зафар Улугбековичга Туркия технологиялари асосида яшидан иттенсив боғзор ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-53-молдалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни, Yangibozor tumani "Yangi-ёп" маҳалласи Гафур-Гулом кўчаси 8-уйда яшовчи фуқаро Садиков Зафар Улугбековичнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик таплов якунлари натижаларига ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6-молдасига асосан,

#### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Yangibozor туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган ер участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик таплов якунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Yangibozor tumani "Yangi-ёп" маҳалласи, Гафур-Гулом кўчаси 8-уйда яшовчи фуқаро Садиков Зафар Улугбековичга Боголон қишлоғининг туман ҳокими захира ер ҳисобидаги 765-контурида жойлашган умумий ер майдони - 6,3 гектар, шундан сугориладиган экин ери - 6,3 гектардан иборат ер участкаси боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.

3. Yangibozor tumani "Yangi-ёп" маҳалласи, Гафур-Гулом кўчаси 8-уйда яшовчи фуқаро Садиков Зафар Улугбековичга ер майдони ажратилиши муносабати билан



Туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари З.Садиков ўртасида тузиладиган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Янгибозор тумани "Янги-ёп" маҳалласи, Гафур-Ғулом кўчаси 8-уйда яшовчи фуқаро Садиков Зафар Улуғбековичга ажратилаётган 6,3 гектар экин ер майдонида Туркия технологиялари асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Халметовга фуқаро Садиков Зафар Улуғбековичнинг Туркия компаниялари билан кўчатлар етказиб бериш бўйича шартномалар тузишига амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Садиков Зафар Улуғбекович:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман Статистика ва Солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

7. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



У.Курбанов